



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 12 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 12

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 12



ТОШКЕНТ-2020

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

«Ўтмишга назар» илмий журнали тахририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Зияева Доно Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Гоффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор,
Самарқанд давлат тиббиёт институти

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
профессор, Телави давлат
университети, Грузия

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор,
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Россия ФА, Санкт-Петербург
Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Давлат тарихи институти, Қозоғистон

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон
Миллий университети, Қозоғистон

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Талапов Бахриддин Алижанович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT


1. Фарход Абдувалиевич Адиллов ОЗАРБАЙЖОННИНГ ЎЗБЕК ХАЛҚИГА БЕҒАРАЗ ЁРДАМИ (1966 ЙИЛ ТОШКЕНТ ЗИЛЗИЛАСИ МИСОЛИДА).....	4
2. Камолахон Юсуповна Абдуразакова “ДАВЛАТЛАРАРО АЛОҚАЛАР” ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ.....	10
3. Отабек Аманиллаевич Бахриев ИМОМ БУХОРИЙНИНГ ИСЛОМ ҚОНУНШУНОСЛИГИДАГИ МАВҚЕИ.....	15
4. Жонибек Бўтаев XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ - XX АСР БОШЛАРИДА САМАРҚАНД ВИЛОЯТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ ФАОЛИЯТИ.....	22
5. Рахмон Ибрагимов ТОШКЕНТ ВОҲАСИ ҚАДИМГИ ДАВР ТАРИХИНИНГ ДАВРЛАШТИРИЛИШИ ВА ХРОНОЛОГИЯСИ МАСАЛАСИГА ДОИР.....	30
6. Чинпўлат Минасидинович Курбанов XIX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОНДА ВОЈХОНА ИШИ НАҚИДА.....	38
7. Юлдузхон Имомова ҚОРАБОҒ МОЖАРОСИГА ЛОББИЗМНИНГ ТАЪСИРИ.....	48
8. Музаффаржон Шарифжон ўғли Мансуров СОВЕТ ИТТИФОҚИ ЙИЛЛАРИДА “ИНТУРИСТ” ТАШКИЛОТИНИНГ ФАРҒОНА ТУРИСТИК МИНТАҚАСИДА ТУРИЗМ РИВОЖИДАГИ РОЛИ.....	53
9. Тимур Туляганович Раишев XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА ТУРКЕСТОН ҲАРБИЙ ОКРУГИ ҚЎШИНЛАРИ: МОДДИЙ ТАЪМИНОТ МАСАЛАСИГА ДОИР.....	59
10. Нодира Набиевна Сафиходжаева ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА МЕҲРИБОНЛИК УЙЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ.....	67
11. Азизбек Гўзалович Холлиев XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШИДА РОССИЯ ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРИ ТАРИХИ ТАРИХШУНОСЛИГИ.....	75
12. Фуркат Эшбоевич Тошбоев, Дилшод Рашидович Холмуродов ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ АРХЕОЛОГЛАРИНИНГ ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИДАН.....	82

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Фарход Абдувалиевич Адиллов,
Тошкент молия институти
катта ўқитувчиси

ОЗАРБАЙЖОННИНГ ЎЗБЕК ХАЛҚИГА БЕҒАРАЗ ЁРДАМИ (1966 ЙИЛ ТОШКЕНТ ЗИЛЗИЛАСИ МИСОЛИДА)

For citation: Farkhod A.Adilov, FREE AID TO AZERBAIJAN TO THE UZBEK PEOPLE (on the example of the Tashkent earthquake of 1966). Look to the past. 2020, vol. 12, issue 3, pp.4-9

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-12-1>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳрида 1966 йил 26 апрелда юз берган зилзила оқибатлари натижасида ўзбек халқининг бошига оғир қунлар тушган мана шундай вазиятда совет республикалари шу жумладан Озарбайжон ССРнинг қардошлик ёрдами ҳақида маълумот берилган.

Калит сўзлар: зилзила, қурилиш, Озарбайжон, палатка, сейсмик, табиий офат.

Фарход Абдувалиевич Адиллов,
Старший преподаватель
Ташкентского финансового института

БЕЗВОЗМЕЗДНАЯ ПОМОЩЬ АЗЕРБАЙДЖАНА УЗБЕКСКОМУ НАРОДУ (на примере Ташкентского землетрясения 1966 года)

АННОТАЦИЯ

В статье дается обзор последствий землетрясения 26 апреля 1966 года в Ташкенте, столице Узбекистана, в котором Советскому Союзу, в том числе братской стране Азербайджанской ССР, пришлось столкнуться с трудными временами перед лицом узбекского народа.

Ключевые слова: землетрясение, строительство, Азербайджан, палатка, сейсмика, стихийное бедствие.

Farkhod A.Adilov
Senior lecturer
Tashkent financial Institute

FREE AID TO AZERBAIJAN TO THE UZBEK PEOPLE (on the example of the Tashkent earthquake of 1966)

ABSTRACT

The article provides an overview of the effects of the earthquake on april 26, 1966 in Tashkent, the capital of Uzbekistan, in which the Soviet Union, including the fraternal country of the Azerbaijan SSR, had to face difficult times in the face of the uzbek people.

Index Terms: earthquake, construction, Azerbaijan, tent, seismic, natural disaster.

1. Долзарблиги:

Тарихдан бизга маълумки халқимиз ўз меҳнати ва меҳмондўстлиги билан машҳурдир. Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек “Биз ташқи сиёсатимизда узоқ ва яқин қўшниларимиз билан дўстлик алоқаларини кўз қорачиғидек асраб-авайлаб, барча соҳаларда ўзаро ҳамкорликни ривожлантирамиз. Чунки: Билимли авлод-буюк келажакнинг, тадбиркор халқ-фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир!”[1]. Мавзунинг долзарблиги шундаки, ўзбек халқи II-жаҳон уруши йилларида уруш олови ёнган ҳудудлардан кўчириб келтирилган болалар, ярадорлар, қарияларни ўз бағрига олиб, меҳр-муруват кўрсатди. Ўз навбатида ўзбек халқининг бошига оғир кунлар тушганда совет давлати ҳудудидаги республикалар, шу жумладан Озарбайжон ССР ҳам беғараз ёрдам қўлларини узатди. Ушбу мавзунинг ўрганилганлиги ҳақида сўз кетганда асосан СССР давридаги мақолалар борлигини таъкидлаш лозим[4,5,6,7,8,9,2]. Мустақиллик йилларида олимларимиз томонидан ушбу мавзу ёритилмаган.

2. Методлар:

Масала тарихини ўрганиш ва тизимлаштириш, таққослаш, тарихий маълумотларни умумлаштириш, илмий қарашлар ва концепцияларнинг қиёсий таҳлили, ҳолислик тамойиллари каби усуллардан фойдаланилди.

3. Тадқиқот натижалари:

Ўзбекистон пойтахти Тошкент шаҳрида 1966 йил 26 апрел эрта тонгда қаттиқ ер силқиниши рўй берди. Тошкент сейсмик жиҳатдан хавфли узунлиги 220 км, эни 10-20 км бўлган Пскент-Тошкент сейсмоген ҳудудда жойлашган бўлиб, 1966 йилдаги зилзилада сейсмиклик 8 баллга тенг бўлди. Зилзиланинг марказида 8 баллик ер қимирлаши Тошкент шаҳрини вайронага айлантди. Расмий равишда 9 нафар инсон вафот этган деб маълумот берилди, 2211 нафар киши эса яраланди. Жабрланувчиларнинг сони буқадар кам эканлигини ҳукумат ер силқиниши горизонтал эмас, балки вертикал бўлганлиги, бинолар секин-аста қулаганлиги, одамлар эса зилзила бошланган вақтда ухлаётган бўлсада, қутулиб қолишга улгурганлиги билан изоҳланди. Вайрон бўлган бинолар сони жуда кўп бўлди. 12 секундда 85 минг хонадон, 700 га яқин савдо ва ижтимоий объектлар, 220 та болалар боғчаси, 181 та мактаб, 36 та маданий объектлар, 26 та коммунал хизмат корхоналари, 185 та тиббиёт ва 245 та саноат бинолари вайрон бўлиб, ер билан баробар бўлди. Бу вақтда шаҳарда 1 млн. киши истиқомат қилиб, 61.771 оила уйдан айрилди. Қисқа вақтда шаҳарда 600та вақтинчалик дўконлар очилиб, 15.400 палаткалар ўрнатилди [3].

Ўзбекистон КП МК, маҳаллий партия, совет ва хўжалик ташкилотлари табиий офат оқибатларини тугатишга киришди. 25 кишидан иборат республика ҳукумат комиссияси, шунингдек, вилоят, шаҳар, туман комиссиялари тузилиб, улар зилзила оқибатларини тугатишга алоқадор бўлган масалалар билан шуғулландилар. Бундан ташқари, саноат корхоналарида, ташкилотлар ва муассасаларда табиий офатдан зарар кўрган ишчилар ҳамда хизматчиларга ёрдам комиссиялари тузилди.

1966 йил 7 майда КПСС МК ва СССР Министрлар Совети ҳукумат комиссиясининг йиғилиши бўлиб, унда Тошкент шаҳридаги зилзила оқибатларини тугатишда Ўзбекистон ССРга энг зарур ёрдам чоралари тўғрисида”ги махсус қарорини қабул қилди[10]. Бу қарорга биноан Ўзбекистон пойтахтининг табиий офатдан зарар кўрган аҳолиси учун 1966 йил қиш тугагунга қадар иттифоқдош республикаларнинг фаол иштироки ва ёрдамида зарур шарт-шароитлар яратиб бериш биринчи даражадаги вазифа деб ҳисобланди. Айни пайтда 1966 йилда Тошкентда 791 минг кв. м., 1967 йилда 1.368.000 кв. м., 1968 йилда 762 минг кв. м.,

1969 йилда 939 минг кв. м., 1970 йилда 1.39.000 кв. м., турар жой қуриш белгилаб берилди[11].

Тошкентда бўлган ер қимирлашида вайрон бўлган шаҳарни қайта тиклаш ишларида Озарбайжон халқининг меҳнати катта бўлди. 1966 йил 21 майда Озарбайжон ССР КП МҚ ва Озарбайжон ССР Министрлар Советида ҳам “Зилзиладан зарар кўрган Тошкент аҳолисига биродарлик ёрдами” тўғрисидаги Қарори чиқди. Фармонда собиқ иттифокдош республикалар қаторида Озарбайжон ССРдан зилзила оқибатларини тугатиш мақсадида ёрдам берилиши белгиланди. Қарор асосида Озарбайжондан 10 нафар қурувчи – муҳандислар, шунингдек, қурилиш ишлари учун 2 та қурилиш поездларини юборди. Бу Фармонга кўра Озарбайжон ССР 35.минг кв.метр уй-жой қурилишини 1966 йилда 10 минг.кв.метр., 1967 йилда 25 минг.кв.метрни битказиш белгиланди[20].

КПСС МҚ ва СССР Министрлар Советининг “Тошкент шаҳридаги зилзила оқибатларини тугатишда Ўзбекистон ССРга ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги Қарорига ва Озарбайжон ССР КП МҚ ва Озарбайжон ССР Министрлар Советида ҳам “Зилзиладан зарар кўрган Тошкент аҳолисига биродарлик ёрдами” тўғрисидаги Қарорига асосан Озарбайжонга белгиланган вазифаларни амалга оширишда озарбайжон халқининг меҳнати катта бўлганлигини таъкидлаш лозим. Қарорга кўра Тошкентга инженер-техник ходимлар гуруҳини юбориш вазифаси топширилди, озарбайжонлик қурувчилар томонидан 1966 йилда 1,4 млн. рубллик иш бажарилди. 1966 йилнинг ўзида 120 та квартира қуриб битказилди[22].

Бу зилзиладан Озарбайжон ССРда ҳам Ўзбекистонга ёрдам бериш учун тузилган турли бригадалар Тошкентдаги умумий вазиятни, аҳолининг эҳтиёжларини ўрганиш мақсадида Озарбайжон ССР Қурилиш ишлари бўйича Давлат Қўмитасининг раиси А.Исмоилов бошчилигидаги комиссия Тошкент шаҳрида уч кун бўлиб, керакли маълумотларни олди. 17 майда Озарбайжон ССРдан 820 та электродивигатель, турли диаметрли 400 тонна труба, 30 минг кв.м. қуруқ штакатурка, 12 та кран ва турли қурилиш материаллари келтирилди.

Шундай бўлсада материалларини етишмаслиги, озиқ-овқат танқислиги натижасида етишмовчиликлар келиб чиқа бошлади. Эски биноларни қайта тиклаш эмас, балки шаҳарни бутунлай янги режалар асосида қуриш мақсадида Озарбайжондан Ўзбекистонга қўшимча тарзда ер қазийдиган машиналар, қурилиш механизмлари, қурувчилар бригадари ва қурилиш материаллари юкланган махсус поезд юборилди. Главбакстрой ҳузурида Тошкентдаги бақулик қурувчиларни бошқариш бўйича штаб тузилди. Озарбайжондан юборилган биринчи бригада жами 19 та 5-қаватли уйлар қуриши лозим эди. Айни пайтда улар Чилонзор “К-24” даҳасидаги ва Навоий кўчаси бўйлаб 7 та кўп қаватли биноларни ҳам қурдилар[12]. Озарбайжондан келаётган кўмак ёрдамида 1967 йил 1 февраль ҳолатига кўра Тошкент зилзиласида ишловчилар сони белгиланган 400 нафар ишчи ўрнига 180 нафар кишига етди[21]. 1966 йил 10 март ҳолатига кўра ҳам 180 нафар ишчи ишлади[22].

Баку денгиз порти, Баку аэропорти, Озарбайжон темир йўл бекатлари Тошкентга навбатдан ташқари юклар ўтказгани учун бир неча сменада ишлади. Биргина Боку денгиз порти ҳам кемалар орқали Каспий денгизига қурилиш материалларини тезликда етказиб бериш вазифасини олди. Ёрдам кўрсатишнинг биринчи кунларида “Совет Озарбайжони” ва “Совет Туркменистони” кемалари Тошкентга 700 тонналик дизелли электроходларни Крановодск (ҳозирги Туркманбоши) шаҳрига етказиб берди. Олтмиш чоғли Боку қурилиш поезди Арманистон ва Грузия орқали Тошкентга юборилди. Аввал 35 минг квадрат метр уй-жой қуриш мажбурияти олинди. Қурилиш материаллари ва қўшимча ишчи кучларнинг етишмаслиги натижасида яна Озарбайжондан 100 нафар қурувчи келди. Тошкент зилзиласи вақтида Ф.Байрамов бошлиқ монтажчилар, А.Мамедов бошлиқ сувоқчилар, А.Арутюнов бошлиқ пайвандчилар, А.Аркас бошлиқ дурадгорлар бригадаларининг ишлари таҳсинга сазовордир[13].

Қурилиш вазирлиги томонидан Ўзбекистонга инженер-техниклар бригадаси, Боку Бош Қурилиш бошқармаси қурувчилари турли қурилиш асбоблари билан Тошкентга етиб келди. Қурилиш ишлари бўйича Озарбайжон ССР Давлат Қўмитасига Ўзбекистон ССР Давлат қурилиш қўмитаси билан Тошкент шаҳрини қайта тиклаш учун керакли ишлар

бўйича лойихаларни келишиб олиш вазифаси юклатилди. Лойихалаш бўйича мутахассислар Ўзбекистонга юборилди[14].

1966 йил май-июнь ойларида боқуликлар томонидан Ўзбекистонга қурлиши материаллари, бўёқлар, автомобиль шиналари, ҳатто картошка ҳам юборилди. Озарбайжон халқи зилзиладан сўнг икки йил ичида Тошкент аҳолиси учун 24 та кўп қаватли хушбичим уй-жой қуриб берди ва 1150 нафар оила бошпана билан таъминланди. Озарбайжон республикасидан келган ёрдамда 820 та электр двигатели, Озарбайжон шифер комбинати 240 минг дона шифер жўнатди[15].

Тошкент зилзиласи содир бўлгач, собиқ иттфоқдош республикаларнинг турли ерларидан ёрдам бериш истагини билдирган кишилардан хатлар ҳам кела бошлади. Озарбайжон ССРдаги Сумгаит шаҳри кимё комбинатининг муҳандиси В.Шафиев ўзининг икки хонали янги уйини Тошкент зилзиласида зарар кўрган бирорта оилага бутун жиҳозлари билан бирга фойдаланишга беришга тайёрлигини маълум қилди. У ўз хатида “Бу арзимаган ёрдам бизларнинг, ҳаммамизнинг, совет кишиларининг битта катта оила эканлигимизга яна бир далил бўлсин”[16], деб ёзди. Бошқа фуқаролар ҳам унинг фикрини маъқуллаб ўз хонадонларини таклиф қилдилар ва натижада 1966 йил 15 майдан 1967 йил 1 апрелга қадар Озарбайжонга Тошкентдан 262 та оила кўчирилди. Бакудан Тошкентга қуйидаги мазмунга эга бўлган ўнлаб телеграммалар келди: Мен, Агаев Жавдет Алиевич, ВЛКСМ аъзоси, шаҳарни тиклашга ёрдам бериш учун Тошкентга бормоқчиман. Мутахассислигим чилангар-труба ўтказувчи ва бульдозерчи. Манзилим: Баку-3, Ханлара кўчаси 59, 1 хонадон”.[12]

1966 йил Тошкент шаҳридаги зилзила натижасида Озарбайжоннинг Боку, Сумгаит, Кировобод, Мингечаур шаҳарларига 300 оилани юбориш белгиланди. 1966 йил 12 октябрь ҳолатига кўра 220 оила жўнатилган ва 80 нафар оилани жўнатиш ишлари олиб борилган [17]. Мингечаур ва Кировобод шаҳарларига эса кўчиб бориши режалаштирилган оилалардан белгиланган даражада аризалар келиб тушмади. Натижада Боку шаҳрига режадаги 150 оиладан 145 нафари, Сумгаит шаҳрига режадаги 50 оиладан 47 нафари, Кировобод шаҳрига режадаги 50 оиладан 18 нафари, Мингечаур шаҳрига режадаги 50 оиладан 10 нафари юборилди[18]. Бу ишлар 1966 йил август ойида тугалланди[19].

1966 йил 25 май куни озарбайжон Коммунистик партияси Баку шаҳар кўмитаси Тошкентда меҳнат қилаётганлар, зилзиладан жабр кўрганларга ёрдам кўрсатишни марказлаштириш мақсадида шаҳар комиссиясини ташкил қилди. Тошкентликлар дуч келган муаммолардан бири бу болаларни хавфсиз ерларга жойлаштириш, ёз вақтида уларнинг дам олишини ташкиллаштириш бўлди. Силкинишлар давом этар эди, деярли барча болалар боғчалари вайрон бўлган, 195 та мактабдан 172 таси ишдан чиққан эди. ОзССР ЛКСМ МҚнинг 1966 йил 30 майдаги қарорига биноан озарбайжон пионерлар оромгоҳларида 1200 та тошкентдик болалар учун жойлар тайёрлаб қўйилди. Болаларнинг биринчи гуруҳи (Тошкент Тепловод депоси ходимларининг болалари) 7 июнь куни етиб келди, сўнг қолган болалар ҳам кела бошлади. 700 та бола Мардакян ва Шувелан оромгоҳларига, 500 та бола эса корхона ва касаба уюшмаларининг оромгоҳларига жойлаштирилди.

Озарбайжон Тошкентда 35 минг кв.м. турар жой қуриб, қурилиш ишлари ҳажми бўйича Москва, РСФСР, Ленинград, Украинадан кейин 5-чи ўринни эгаллади. Кўп даҳалар, кўча ва уйларга уларни қурган ёки қуриш ишларида кўмаклашган шаҳарлар, шу жумладан, “Баку” ва “Озарбайжон” номлари берилди.

Тошкентга маданият арбоблари ҳам ёрдам кўрсатдилар. 1966 йил 17 декабр куни Тошкентдаги Свердлов номидаги концертлар залида озарбайжонлик машҳур кўшиқчи Муслим Магамаев бир қатор концертлар қўйди, улардан тушган маблағларини эса Тошкентга ёрдам кўрсатиш фондига ўтказди.

Озарбайжонлик қурувчиларнинг фидокорона меҳнати муносиб баҳоланди. Қурилиш ишлари тугагач, Ф.Н.Байрамов (БакГлавстройнинг биринчи турар жой қуриш комбинати бригадир, экскаваторчи И.Г.Асланов (“Бакгорстроймеханизации” трести), Г.К.Алиев (биринчи турар жой қуриш комбинати катта қурувчиси) бир қатор қурувчилар орденлар билан мукофотландилар, Озарбайжонлик 135 қурувчига “Тошкент қурувчисига” номли

махсус мукофот белгиси, 21 курувчига эса Ўзбекистон КП МҚ, Олий Кенгаш Президиуми ва Ўзбекистон ССР Вазирлар маҳкамасининг фахрий ёрликлари топширилди[23].

Озарбайжоннинг Тошкентга кўрсатган ёрдами зилзила оқибатларини йўқ қилиш билан чегараланиб қолмади. Масалан, 1967 йилда бошланган Тошкент метроси қурилишида 5 та гуруҳ иштирок этди (Москва, Ленинград, Киев, Харьков ва Баку метро қурувчилари). Зилзила оқибатлари уч ярим йилдан сўнг бутунлай йўқ қилинди ва озарбайжонликлар сўнгги кунгача тошкентда меҳнат қилдилар. Худуднинг сейсмик жиҳатдан хавфлилиги сақланиб қолган бўлса-да, кўп озарбайжонлик қурувчилар Тошкентда қолдилар. Бу уларнинг меҳнати ишончли эканлигининг энг яхши қафолати эди, чунки улар ўзлари қурилишда иштирок этган шаҳарда яшашга қарор қилдилар.

4.Хулосалар:

Хулоса ўрнида шуни айтиш зарурки доно халқимиз айтганидек “Дўст бошга қулфат тушганда билинади”, айнан ўзбек халқининг оғир кунларида озарбайжонлик қардош дўстларимиз ўзларининг ёрдам қўлларини чўзиб ўзбек халқининг дардига дармон бўлди. Тошкент шаҳрининг кўркига-кўрк кўшувчи замонавий уй-жойлар ва иншоотлар қурилишида, зилзила талофатларидан зарар кўрган аҳоли эҳтиёжлари учун зарур бўлган ашёларни беками кўст етказиб беришди. Шундай экан икки қардош халқлар ўртасидаги алоқалар хозирга қадар давом этиб келмоқда.

Иктибослар / Сноски / References:

1. Ш.Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Ташкент. Ўзбекистон, 2018. – Б. 31. (Mirziyoyev Sh. Speech at the ceremony dedicated to the 26th anniversary of the adoption of the Constitution of the Republic of Uzbekistan. -Tashkent: Uzbekistan, 2018 .- P. 31.)
2. Ликвидация последствий Ташкентского Землетрясения. – Ташкент. Узбекистан, 1972. – с. 246. (Elimination of the consequences of the Tashkent Earthquake. - Tashkent. Uzbekistan, 1972 . - P. 246.)
3. Безруков Б., Гойхман М., Модестов Ю. Здравствуй Ташкент. – Ташкент. Узбекистан, 1970. – С. 168. (Bezrukov B., Goykhman M., Modestov Yu. Hello, Tashkent. - Tashkent. Uzbekistan, 1970. - P. 168.)
4. Растёт число паромов // Коммунист. 1967 г., 29 август. (Increase the number of ferries // Communist. 1967, August 29.)
5. Ташкент – город братства. – Ташкент. Изд. ЦК КП Узбекистана, 1969. (Tashkent is a city of brotherhoods. - Tashkent. Ed. Central Committee of the Communist Party of Uzbekistan, 1969.)
6. Нуруллин Р.А. Тўйчиев Қ. Халқлар дўстлиги – буюк куч (Совет халқларининг дўстлиги ҳақида). – Тошкент: Ўзбекистон, 1970. (Nurullin R.A. K. Toychiev Friendship of Peoples is a Great Power (about the friendship of Soviet peoples). – Tashkent: Uzbekistan, 1970.)
7. Тошкент – қардошлик шаҳри (1966 йил зилзилада қардош республикалар ёрдами). – Тошкент, 1970. (Tashkent is a twin city (assistance to the twin republics during the 1966 earthquake). – Tashkent, 1970.)
8. Вороненков Н.Д. Дўстликдан бунёд бўлган шаҳар. – Тошкент, 1971. (Vorononkov N.D. A city built on friendship. - Tashkent, 1971.)
9. Ташкентское землетрясение. 26 апреля, 1966 года. – Ташкент: Фан, 1971. (Tashkent earthquake. April 26, 1966 – Tashkent: Fan, 1971.)
10. КПСС МҚ ва СССР Министрлар Совети ҳукумат йиғилиши. Правда. 1966 йил, 8 май. (Meeting of the Government of the Central Committee of the CPSU and the Council of Ministers of the USSR. May 8, 1966.)
11. Халқлар дўстлигининг буюк кучи. – Тошкент. Ўзбекистон, 1974. -257 бет. (The great power of friendship between peoples. - Tashkent. Uzbekistan, 1974.-257 p.)

12. Зейналова М. Исторические связи Азарбайджанского и узбекского народов в XIX-XXвеках. Диссер.на соис.уч.степ.докт. философ. по истор наукам. – Баку. 2010. – С.144 (Zeynalova M. Historical ties of the Azarbaydzhan and Uzbek peoples in the XIX-XX centuries. Dissertation for co-academic degree doct. philosopher. on the history of sciences. - Baku. 2010. - P. 144.)
13. Пересадо М. Қоялардек мустаҳкам, дарёлардек жўшқин // Тошкент бинокори. 1967 йл 22 январь. (Peresado M. Strong as rocks, bright as rivers // Tashkent binokori. January 22, 1967)
14. Алекперов А. Истории братской связи Азербайджана с Узбекистаном.ІСТОРИЧНІ НАУКИ.Збірник наукових праць “Гілея: науковий вісник”. Випуск 84. С 212-217 (Aleksperov A. History of fraternal ties between Azerbaijan and Uzbekistan. HISTORICAL SCIENCES. Zbirnik naukoviks prats "Gilea: naukovy vysnik". Issue 84.С 212-217)
15. Оллоҳбердиев Ж. Боку барпо этаяпди // Тошкент окшоми. 1966 йил 6 август. (Ollokhberdiev Y. Builds Baku // Tashkent evening. 6 August 1966)
16. Қардошлар ёрдами. // Правда Востока. 1966 йил, 27 май. (Brothers to help. // Truth of the East. May 27, 1966.)
17. ЎзМА Ф.-2515, опись- 1, дело – 183. (National Archive of Uzbekistan. F.-2515, inventory-1, file 183.)
18. ЎзМА Ф.-2515, опись- 1, дело – 181. (National Archive of Uzbekistan. F.-2515, inventory-1, file 181.)
19. ЎзМА Ф.-2515, опись- 1, дело – 206. (National Archive of Uzbekistan. F.-2515, inventory-1, file 206.)
20. ЎзМА Ф.-2515, опись-2, дело-1. (National Archive of Uzbekistan. F-2515, inventory-2, case-1.)
21. ЎзМА Ф.-2515, опись-2, дело-7. (National Archive of Uzbekistan. F-2515, inventory-2, case-7.)
22. ЎзМА Ф.-2515, опись-2, дело-37. (National Archive of Uzbekistan. F-2515, inventory-2, case-37.)
23. ЎзМА Ф.-2515, опись-2, дело-41. (National Archive of Uzbekistan. F-2515, inventory-2, case-41.)

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№12 (2020)

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000